

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖА БЕРУВЧИ DSc.28.02.2018.FM.60.01
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ТУРСУНОВ ИКРОМЖОН ГУЛАМЖОНОВИЧ

**КОМПЕНСИРЛАНГАН КРЕМНИЙ ВА УЛАР АСОСИДАГИ
СИРТ - БАРЬЕР ДИОД СТРУКТУРАЛАРДА
ТЕНЗОСТИМУЛЛАШ ҲОДИСАЛАР**

01.04.10 – Яримўтказгичлар физикаси

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

АНДИЖОН – 2018

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации

Content of the abstract of doctoral dissertation

Турсунов Икромжон Гуламжонович

Компенсирланган кремний ва улар асосидаги сирт - барьер диод
структураларда тензостимуллаш ходисалар

3

Турсунов Икромжон Гуламжонович

Тензостимулированные явления в компенсированном кремнии и в
поверхностно - барьерных диодных структурах на его основе

27

Tursunov Ikromjon Gulamjonovich

Tensostimulated phenomena in compensated silicon and in surface-
barrier diode structures based on it

51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....

56

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖА БЕРУВЧИ DSc.28.02.2018.FM.60.01
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ТУРСУНОВ ИКРОМЖОН ГУЛАМЖОНОВИЧ

**КОМПЕНСИРЛАНГАН КРЕМНИЙ ВА УЛАР АСОСИДАГИ
СИРТ - БАРЬЕР ДИОД СТРУКТУРАЛАРДА
ТЕНЗОСТИМУЛЛАШ ҲОДИСАЛАР**

01.04.10 – Яримўтказгичлар физикаси

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

АНДИЖОН – 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.2.DSc/FM43 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.adu.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталига (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: Маматкаримов Одижон Охундаевич
физика-математика фанлари доктори

Расмий оппонентлар: Каримов Абдулазиз Вахитович
физика-математика фанлари доктори, профессор

Отажонов Салимжон Мадрахимович
физика-математика фанлари доктори, профессор

Нуритдинов Изатилла
физика-математика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: Қорақалпоқ давлат университети

Диссертация химояси Андижон давлат университети ҳузуридаги DSc.28.02.2018.FM.60.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «22» 41 соат 18 дақиқасида бўлиб ўтди. (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129-уй. Тел./факс: (374) 223-88-30; e-mail: agsu_info@edu.uz, Андижон давлат университети мажлислар зали)

Диссертация билан Андижон давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин 020 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129-уй. Тел./факс: (374) 223-88-30.

Диссертация автореферати 2018 йил «14» 11 да тарқатилди.
(2018 йил «14» 11 дақиқасида рақамли реестр баённомаси.)



С. Зайнабидинов
Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси
ф.м.ф.д., академик

А.О. Курбанов
Илмий даража берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, ф.-м.ф.н.

И.А. Каримов
Илмий даража берувчи илмий кенгаш
қондаги Илмий семинар раиси, ф.-м.ф.д.

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида жадал ривожланаётган яримўтказгичлар физикаси соҳасида чуқур сатҳлар ҳосил қилувчи киришма атомлари билан легирланган яримўтказгичли материал ва структураларда тензостимуллаштирилган (юқори босимлар билан рағбатлантирилган) эффектларнинг намоён бўлиш механизмларини ўрганишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада Au, Mn ва Zn билан легирланган кремний ва улар асосидаги структураларда изотроп гидростатик ва бир ўқли деформация таъсирида содир бўлаётган физик жараёнларни ўрганиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда жаҳоннинг йирик илмий марказларида киришмали атомлар билан легирлаш ёрдамида берилган хоссаларга эга бўлган янги яримўтказгичли материаллар олиш, бу материалларни электрофизик хоссаларининг нурланиш, температура, босим каби ташқи таъсирларга барқарорлиги ва сезгирлигини оширишга қаратилган илмий тадқиқот ишларини олиб боришга катта аҳамият берилмоқда. Бу борада мақсадли илмий тадқиқотлар, жумладан изотроп гидростатик деформациянинг олтин, марганец ва цинк киришмалари билан легирланган кремний монокристалларининг электр ўтказувчанлигига таъсирини аниқлаш; легирланган кремнийда тензоэффект ҳодисасини намоён бўлишининг физик механизмларини аниқлаш; легирланган кремний асосидаги сирт-барьерли структураларнинг вольт-ампер характеристикаларига изотроп ва бир ўқли эластик деформациянинг таъсирини аниқлаш; киришмали кремний материалларида тензорелаксацион ҳодисалар кинетикасини аниқлаш; импульсли изотроп гидростатик деформация ва бир ўқли босим шароитларида чуқур сатҳлар ҳосил қилувчи киришмали кремний намуналарида тензоўтказувчанлик эффектнинг физик механизмларини очиқ бериш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда фундаментал тадқиқотларга катта эътибор қаратилиб, хусусан янги турдаги яримўтказгичли материаллар асосида турли ташқи таъсирларга барқарор бўлган универсал тензоўзгартиргичлар яратиш устида изланишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган ривожлантириш Ҳаракатлар стратегиясида «илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари ҳузурида ихтисослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ва технопаркларни ташкил этиш» вазифалари белгилаб берилган¹. Бу борада киришма атомлари билан легирланган кремний ва улар асосидаги сирт-барьерли структураларда тензоэффект ҳодисалари аниқлаш ва мақсадли хоссаларга эга янги тензосезгир

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // ЎзР ҚХТ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017 й., 6-сон, 70-модда, 20-сон, 354-модда, 23-сон, 448-модда, 37-сон, 982-модда.

материалларни олиш ҳамда уларни ишлаб чиқаришга жорий этилиши муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги ПФ-4947-сон Фармонини ва 2010 йил 15 декабрдаги «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги ПҚ-1442-сон ва 2017 йил 17 февралдаги «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2789-сон Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг III. «Энергетика, энергоресурс тежамкорлиги, транспорт, машина ва асбобсозлик, замонавий электроника, микроэлектроника, фотоника ва электрон асбобсозлиги ривожланиши» нинг устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи¹.

Яримўтказгичли материаллар ва улар асосидаги структураларга деформациянинг таъсирини аниқлаш бўйича жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан Флорида Department of Electrical and Computer Engineering (АҚШ) университети, В.Е.Лашкарев номидаги Яримўтказгичлар физикаси институти (Украина) Фанлар Миллий академияси), Луцк Миллий техника ва Волыньск Миллий университети (Украина), Нижний Новгород Микроструктуралар физикаси институти (Россия), А.Ф. Иоффе номи физика-техника институти (Россия), Физика-техника институти, Ядро физикаси институти (Ўзбекистон) томонидан илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Яримўтказгичли материаллар ва улар асосидаги структуралар хоссаларига ташқи деформациянинг таъсирини аниқлашга доир жаҳонда олиб борилаётган илмий тадқиқотлар бўйича қуйидаги қатор илмий натижалар олинган: яримўтказгичли материаллар ва металл-оксид-яримўтказгич транзисторларда тензоэффект ходисаси, сенсорларда пьезорезистив эффектлар (Флорида Department of Electrical and Computer Engineering университети, АҚШ); турли кристаллографик ориентацияларга эга n-Ge материалларида кучли магнит майдон таъсирида тензоэффект ходисалари (В.Е.Лашкарев номидаги Яримўтказгичлар физикаси институти, Украина); чуқур энергетик сатҳли киришмалар мавжуд бўлган кремний монокристалларида бир ўқли деформациянинг ток ташувчиларнинг ҳаракатчанлигига таъсири (Луцк Миллий техника ва Волыньск Миллий

¹ Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий-изланишлар шарҳи Physics of strain effects in semiconductors and metal-oxide-semiconductor field-effect transistors // journal of Applied physics, 101.104503 (2007) ва бошқа манбаалар асосида бажарилган.

университетлари, Украина); 6H-SiC *p-n*-структураларнинг электрофизикавий хоссаларига бир ўқли босимнинг таъсири (Физика-техника институти, Россия), кремнийдаги ток релаксациясига бир ўқли босимнинг таъсири (Микроструктуралар физикаси институти, Россия); кремний-германий қаттиқ қотишмалари асосида қўп қатламли структуралар олинган ва уларнинг электрофизикавий хоссалари аниқланган (Физика-техника институти, Ўзбекистон).

Жаҳонда киришмالي яримўтказгич материаллар ва улар асосидаги структураларнинг электрофизик хоссаларига изотроп ва анизотроп деформация таъсирини аниқлаш бўйича, жумладан киришма атомлари билан легирланган кремний ва германий асосида ташқи деформацияга сезгир структуралар олиш; киришма атомларига эга кремний монокристаллари хоссаларининг деформация таъсирида ўзгариш механизмларини аниқлаш; кристаллографик йўналишларга боғлиқ ҳолда бир ўқли деформация таъсирида кремний ва германий материалларининг электрофизик хоссаларини аниқлаш; қўп қатламли яримўтказгич структураларнинг параметрларига деформация таъсирини аниқлаш; легирланган яримўтказгич структуралар асосида юқори сезгирликка эга бўлган тензоўзгартиргичларни яратиш бўйича экспериментал тадқиқотлар олиб боришмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Y.Sun S.E.Thompsonлар (АҚШ) томонидан кремний, германий ва улар асосидаги металл – оксид – яримўтказгичли транзистор структураларда деформацион эффектлар назарий тадқиқ қилинган. В.С.Осадчук ва Н.Л.Билоконлар (Украина) томонидан яримўтказгичли структуралар параметрларига босимнинг таъсири назарий жиҳатдан ўрганилган. А.М.Мусаев (Россия) томонидан эса *p-Ge* да термоэластик деформация таъсирида юз берадиган термоэлектрик эффектлар ўрганилган.

Мамлакатимизда академик М.К.Баҳадирхонов¹ томонидан кучли компенсирланган кремнийда бир ўқли эластик деформация таъсирида юз берадиган тензорезистив эффект компенсирловчи аралашма тури, характери ва кристаллографик йўналишига боғлиқ ҳолда ўрганилган. Кучли компенсирланган кремнийда бир ўқли эластик деформация таъсирида юз берадиган ток автотебранишларини ҳосил бўлиш эффекти кузатишган, ҳамда бир ўқли эластик деформациянинг $Si < B, Mn >$ намуналар фотоўтказувчанлигига таъсири ўрганилган. Профессор F.Ғуломов², томонидан босимнинг импульсли таъсир режимида компенсирланган кремнийда деформацион эффектларнинг фазовий тасвирлари назарий жиҳатдан ўрганилган.

Ҳозирги вақтгача ўтказилаётган илмий тадқиқот ишларининг кўплигига қарамай, замонавий микроэлектроника ва электрон асбобсозлик соҳаси учун гоят муҳим бўлган чуқур сатҳли киришмالي кремний материаллари ва улар

¹ Баҳадирхонов М.К., Илиев Х.М., Зикриллаев Х.Ф. Автоколебания тока в компенсированном кремнии при деформации // Электронная обработка материалов. 2000, №6, 53–57 стр.

² Guliyatov G., Guliyatov A.G., Muhidinova F.R. Influence of Recombination Centers on the Phase Portraits in Nanosized Semiconductor Films. Journal of Modern Physics—USA, 2016, 7, pp. 1661-1667

асосидаги диод структураларида изотроп ва анизотроп деформациянинг таъсирида кузатиладиган тензостимуллашган ҳодисалар механизмлари ва уларни амалиётда қўлланиши билан боғлиқ муаммолар кам ўрганилган.

Тадқиқотнинг диссертация иши бажарилган олий таълим муассасасидаги илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқот ишлар режасининг ОТ-Ф2-28 «Легирилган кремнийдаги сиртий ва ҳажмий квант ўлчовли эффектлар ва уларни p - n тузилмалардаги генерация-рекомбинация ва ток ташувчиларни ажралиш жараёнига таъсири» (2012–2016 йй.); ОТ-Ф2-068 «Кристалларда киришма–нуқсон турдаги микро ва нанобирикмаларни ҳосил бўлиш механизмлари ва уларнинг кенг функционал имкониятли кўп қатламли структурлар яратишдаги ўрни» (2017–2020 йй.) мавзуларидаги фундаментал лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади чуқур сатҳлар ҳосил қилувчи Au, Mn и Zn киришма атомлари билан легирилган кремний ва улар асосидаги структураларда тензостимуллашган ҳодисаларни ва уларнинг намоён бўлиш физик механизмларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

изотроп эластик деформацияни $Si < Au >$, $Si < Mn >$ ва $Si < Zn >$ намуналарининг электр ўтказувчанлигига таъсирини ва уларда тензоэффект ҳодисаси намоён бўлишининг физик механизмларини аниқлаш;

изотроп ва бир ўқли эластик деформацияни $Sb - p - Si < Mn > - Au$ турдаги сирт–барьер структураларнинг вольт–ампер характеристикаларига таъсирини ўрганиш;

импульсли изотроп эластик деформация таъсирида $Si < Au >$, $Si < Mn >$ ва $Si < Zn >$ намуналарида тензорелаксацион кинетик ҳодисаларни аниқлаш;

$Si < Au >$, $Si < Mn >$ ва $Si < Zn >$ намуналарида динамик тензоўтказувчанлик ва $Si < Au >$, $Si < B, Mn >$, $n - Si < P, Zn >$ намуналарида бир ўқли босим $I \parallel X \parallel [111]$ ва $I \parallel X \parallel [100]$ шароитларида тензоэффект ҳодисаси намоён бўлишининг физик механизмларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти олтин, марганец ва цинк атомлари билан легирилган кремний ва улар асосидаги сирт–барьерли диод структураларидан иборат.

Тадқиқотнинг предмети легирилган кремний ва улар асосидаги Шоттки диод структураларида изотроп ва анизотроп босимлар билан рағбатлантирилган физик жараёнларнинг механизмларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари сифатида деформация таъсирида яримўтказгичли материалларнинг тензоўтказувчанлигини, улар асосидаги диод структуралардаги ток характеристикаларини ўрганиш ва ток ташувчилар концентрацияси ва ҳаракатчанликларини аниқлашнинг электрик ва магнетоэлектрик усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

изотроп босимнинг статик режимида $Si < Au >$, $Si < Mn >$ ва $Si < Zn >$ намуналар электр ўтказувчанлигининг ортиши, Au , Mn ва Zn чуқур сатҳлар ионлашув энергиясининг барик ўзгариши ҳисобига, асосий ток ташувчилар концентрациясининг ўзгариши натижасида юз бериши аниқланган;

кремнийда чуқур сатҳли марганец, цинк, олтин киришмаларнинг ионлашиш энергиялари ва уларнинг ўзгариш босим коэффициентлари аниқланган;

статик режимида $Sb - p - Si < Mn > - Au$ структураларда гидростатик босим таъсирида база ва потенциал барьердаги ўзгаришлар ҳисобига, тўғри ва тескари тоқларнинг сезгирлиги қўйилаётган кучланишга боғлиқлиги аниқланган;

импульсли ҳар томонлама гидростатик босим таъсирида $Si < Au >$, $Si < Mn >$ ва $Si < Zn >$ намуналарда токнинг тензорелаксацион ўзгариши тензо-термо эффект натижасида температуранинг босим билан синхрон ўзгариши ҳисобига содир бўлиши аниқланган;

$Si < Au >$, $Si < Mn >$ ва $Si < Zn >$ намуналарда электр ўтказувчанликнинг ўзгариши кремнийнинг тақикланган соҳасида цинк, олтин, марганец киришмалар энергетик сатҳларининг барик силжиши ва термик генерацияси туфайли ток ташувчилар концентрациясининг ўзгариши билан боғлиқ динамик тензоўтказувчанлик эффектнинг намоён бўлиш механизмлари аниқланган;

$Si < Mn >$ намуналарида босим амплитудасининг катта кийматлари ҳисобига, тензостимуллашган эффектнинг ток ўзгаришидаги улуши температура улушидан катта бўлиши аниқланган;

$Si < P, Au >$, $Si < B, Mn >$ ва $n - Si < P, Zn >$ компенсирланган намуналарда бир ўқли босим шароитларида тензоэффект ҳодисаси $I \parallel X \parallel [111]$ ва $I \parallel X \parallel [100]$ кристаллографик йўналишларда ток ташувчилар концентрацияси ва ҳаракатчанликларнинг қарама-қарши ўзгариши туфайли содир бўлиши кўрсатилган;

термик ишлов берилган намуналарда тензоқаршилик эффекти асосан ток ташувчилар ҳаракатчанлигининг ўзгариши натижасида содир бўлиши ҳамда $[111]$ кристаллографик йўналишдаги бир ўқли деформация Si ҳажмидаги ҳосил бўладиган, шунингдек бошқариб бўлмайдиган аралашмалар туپлами, микробирикмаларнинг босим остида емирилишига олиб келиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

умумий тензосезгирлиги $S_k = 6 \cdot 10^5$ га ва дискрет тензосезгирлиги $S_{мс} = 600$ га тенг бўлган $Au - Si < B, Mn > - Sb$ турдаги сирт-барьерли диод структурасини пневмокучайтиригичли тензоўзгартиргич сифатида ишлатилган;

олинган структура ва материаллар асосида тензосезгирлик коэффициенти саноатда мавжуд тензоўзгартиргичлар тензосезгирлик коэффициен-

тидан сезиларли катта бўлган статик ва динамик тензоўзгартиргичлар, босим ўлчагичларнинг лаборатория намуналари яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги олинган материаллар тензоўтказувчанлигини, яримўтказгичли структураларнинг вольт-ампер ва юқори частотали вольт-фарад характеристикаларини тадқиқ қилишнинг асосланган замонавий экспериментал усулларининг қўлланилиши, тадқиқот объектининг тўғри танланганлиги, айрим тажриба натижаларини адабиётдаги назарий натижалар билан солиштириш ёрдамида асосланди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти компенсирланган кремний материалларида ва улар асосидаги структураларда изотроп ва анизотроп деформация таъсирида содир буладиган физик жараёнлар ҳақидаги янги тасавурларни кенгайтириш имконини беради.

Олинган тадқиқот натижалари амалий жихатдан сезгирлиги мавжуд тензоўзгартиргичларнинг сезгирлигига нисбатан юқори бўлган замонавий ўлчаш асбобларини яратиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Яримўтказгичлар ва яримўтказгичли структураларнинг электрофизик хоссаларига изотроп ва анизотроп деформациянинг таъсирини аниқлаш бўйича олинган натижалар асосида:

компенсирланган кремний ва улар асосидаги $Au - Si < B, Mn > - Sb$ турдаги структураларда кузатиладиган тензоэффект ҳодисаси физик механизмлари, изотроп деформация таъсирида сирт-барьер диод структураларда потенциал барьернинг ўзгариши ва унинг барик коэффициентини аниқлаш бўйича олинган натижалар «Transporte Mono-y Bipolar en Estructuras Semiconductoras» хорижий грант лойиҳасида яримўтказгичли структураларнинг вольт-ампер характеристикасига деформация таъсирини аниқлаш, ток ўзгариши механизмини тушунтиришда фойдаланилган (Мексика Миллий тадқиқот институтининг 2018 йил 2 майдаги 6171-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш изотроп деформация таъсири натижасида сирт-барьерли структураларда юз берадиган физик жараёнларни тушунтириш имконини берган;

статик ва импульсли босимнинг сирт-барьер диод структуралар вольт-ампер характеристикасига таъсири, структура тўғри ва тескари тоқларининг босим туфайли ўзгариши ва унинг кучланишга боғлиқлиги бўйича олинган натижалар ОТ-Ф2-077 рақамли «Яримўтказгичли пардаларда деформацион эффектлар динамикаси ва уларда юзага келувчи тоқларга электромагнит тўлқинларнинг таъсири» (2007-2011) грант лойиҳасида деформациянинг яримўтказгичли структуралар фототок ва фото электр юритувчи кучларига таъсирини аниқлашда қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 31 майдаги №89-03-2128-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш яримўтказгичли структураларда деформацион эффектлар фаза кўринишларини тузиш имконини берган;

$Au - Si < Mn > - Sb$ турдаги Шоттки барьерли структуралар асосида

«FOTON» акционерлик жамиятида босимни кенг интервалида ўлчаш имконини яратувчи универсал тензоўзгартиргич ишлаб чиқилган («Ўзэлтехсаноат» акциядорлик компаниясининг 2018 йил 14 июндаги 02-1330-сонли маълумотномаси). Илмий натижалар саноатда ишлаб чиқарилаётган яримўтказгичли структуралар физик параметрларининг турли хил деформацияларга барқарорлигини ошириш имконини берган.

ҳар томонлама гидростатик босим шароитида яримўтказгичлар ва улар асосидаги структураларда тензоэффект ҳодисасини тадқиқ қиладиган универсал қурилма «FOTON» акционерлик жамиятида параметрлари яхшиланган тензоўзгартиргич ишлаб чиқаришда қўлланилган. («Ўзэлтехсаноат» акциядорлик компаниясининг 2018 йил 14 июндаги 02-1330-сонли маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш яримўтказгич ва улар асосидаги структураларда ҳар томонлама босимда тензоэффект ҳодисасини тадқиқ қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси.

Диссертация ишининг натижалари 6 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилиниб, муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, беш боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва 3 та илова, 61 та расм ва 3 та жадвалдан иборат. Диссертация ҳажми 190 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади, вазифалари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши бўйича маълумотлар берилган.


Диссертациянинг «Яримўтказгичлар ва яримўтказгичли структураларнинг тензоэлектрик хоссалари» деб номланган биринчи бобида яримўтказгичлар материалларнинг электрофизикавий хоссаларига ва яримўтказгичли диод структураларнинг характеристикаларига статик, динамик ҳамда бир ўқли эластик деформациянинг таъсирини тадқиқ қилиш бўйича адабиётларда мавжуд маълумотлар шарҳи келтирилган.

Диссертациянинг «Компенсирланган кремний электр ўтказувчанлигига ва улар асосидаги сирт-барьерли диод структуралар ВАХга изотроп босимнинг таъсирини тадқиқ қилиш» деб номланган иккинчи бобида кремнийнинг тақиқланган соҳасида чуқур сатҳлар ҳосил қилувчи Au , Mn ва Zn атомлари билан легирланган кремний ва улар асосидаги

структуралар электр ўтказувчанлигига изотроп деформациянинг таъсирини ўрганиш бўйича тадқиқот натижалари келтирилган.

Компенсирланган ва кучли компенсирланган $Si < Au >$ намуналарида ҳар томонлама гидростатик босим таъсирида тензоўтказувчанликни тадқиқ этиш шуни кўрсатдики, босим қиймати $P = (0 \div 6) \cdot 10^8 \text{ Па}$ гача ортиши билан намуналардаги ток аввал ошади ва 20 секунд вақт ўтгандан кейин босимнинг ўзгармас ($P = \text{const}$) қийматида ток аста-секин бошланғич ҳолатига қайтади. Намуналардаги тензоўтказувчанликнинг бундай ўзгаришини босим таъсирида олтин атомлар энергетик сатҳларининг вақтинча бўшаб қолиши ва электронларнинг ўтказувчанлик соҳасига ўтиши ва вақт ўтиши билан электронларнинг ўз жойига қайтиши билан тушунтириш мумкин.

Компенсирланган $Si < Mn >$, $Si < Zn >$ ва синов намуналарида ҳар томонлама гидростатик босимнинг статик режимида тензоқаршиликларни ўлчаш шуни кўрсатдики, солиштира қаршилиқ (ρ) ҳамма намуналарда босим ортиши билан камайар экан, ρ нинг энг катта ўзгариши кучли компенсирланган, энг кам ўзгариши кучсиз компенсирланган ва синов намуналарида кузатилар экан (1-расм).



1-дастлабки ва синов намуналар $p-Si < B >$, $\rho = 4 \text{ Ом} \cdot \text{см}$, 2 - $p-Si < Mn >$
 $\rho = 2,62 \cdot 10^2 \text{ Ом} \cdot \text{см}$, 3 - $p-Si < Mn >$ $\rho = 8 \cdot 10^2 \text{ Ом} \cdot \text{см}$, 4 - $n-Si < Zn >$
 $\rho = 3,4 \cdot 10^3 \text{ Ом} \cdot \text{см}$, 5 - $n-Si < Zn >$ $\rho = 4,35 \cdot 10^4 \text{ Ом} \cdot \text{см}$, 6 - $p-Si < Mn >$
 $\rho = 4,95 \cdot 10^4 \text{ Ом} \cdot \text{см}$, 7 - $n-Si < Mn >$ $\rho = 4,3 \cdot 10^4 \text{ Ом} \cdot \text{см}$, 8 - $p-Si < Mn >$
 $\rho = 3,62 \cdot 10^5 \text{ Ом} \cdot \text{см}$


1-расм. $Si < Mn >$ ва $Si < Zn >$ намуналарининг статик босим таъсиридаги тензоқаршиликлари

Гидростатик босимнинг статик режимида бу намуналарда Холл эффектини тадқиқ этиш, дастлабки ва синов намуналарда ток ташувчилар концентрациясининг ўзгармай қолишини, қолган намуналарда эса босим ортиши билан концентрация ортиб боришини, шунингдек, намуналардаги компенсация даражаси ортиши билан концентрациянинг ўзгариш тезлиги ҳам ортиб боришини кўрсатди.

Кремнийдаги саёз сатҳлар тўлиқ бўш бўлганлиги, чуқур сатҳлар эса қисман ионлашган ҳолатда бўлганлиги учун олинган $n(P)$ боғлиқлик дастлабки ва синов намуналарида тензоэффект назарияси билан тушунтирилиши мумкин. Босим таъсирида чуқур сатҳлар тўлиш даражасининг ўзгариши рухсат этилган соҳаларда ток ташувчилар концентрациясининг ортишига олиб келади.

Тажрибалар шуни кўрсатдики, ток ташувчилар ҳаракатчанлиги дастлабки, синов ва компенсирланган $p-Si < Mn >$ ва $n-Si < Zn >$ намуналарда босим ортиши билан қисман ортади, ўта компенсирланган $n-Si < Mn >$ (солиштирама қаршилиги $\rho = 4,96 \cdot 10^4 \text{ Ом} \cdot \text{см}$) намуналарда электронларнинг ҳаракатчанлиги босим ортиши билан, аксинча камаяди.

Дастлабки $p-Si < B >$, $n-Si < P >$ ва кучсиз компенсирланган намуналарда ток ташувчилар ҳаракатчанлигининг босим ортиши билан қисман ўзгаришини, рухсат этилган соҳа четларининг силжиши натижасида ток ташувчилар энергиясининг ўзгариши билан тушунтириш мумкин. Компенсирланган $Si < Mn >$ намуналарда босим таъсирида электронлар ҳаракатчанлигининг камайиши, сочувчи ионлашган Mn марказлар концентрациясининг ва бу марказлар билан ток ташувчилар таъсирлашуви потенциалининг ортиши билан тушунтирилади.



1- $P=0$; 2- $P=5 \cdot 10^8 \text{ Па}$

2-расм. $Sb-Si < Mn > -Au$ сирт-барьер диоднинг ВАХ си.


Концентрациянинг температурага боғлиқлигидан Mn , Zn , Au атомларига тегишли чуқур сатҳларининг ионлашув энергияси қийматлари $E_{Mn} = E_c - 0.51 \text{ эВ}$, $E_{Zn} = E_c - 0.53 \text{ эВ}$, $E_{Au} = E_v + 0.36 \text{ эВ}$ ва мос равишда энергетик сатҳлар силжишининг босим коэффицентлари $\alpha_{Mn} = 1.82 \cdot 10^{-11} \text{ эВ/Па}$, $\alpha_{Zn} = 1.44 \cdot 10^{-11} \text{ эВ/Па}$, $\alpha_{Au} = 1.96 \cdot 10^{-11} \text{ эВ/Па}$ аниқланди.

Бу бобда компенсирланган $Si < Mn >$ (2-расм) асосида олинган $Sb-Si < Mn > -Au$ диод структураларнинг ВАХга статик изотроп босим таъсирининг тадқиқот натижалари келтирилган.


Чизмадан кўриниб турибдики, кучланишнинг тўғри ва тескари йўналишларида структура токи босим қийматига мутаносиб равишда ортади. Бу структураларда бир хил қўйилган кучланишларда тўғри токнинг босимга сезгирлиги тескари токникига нисбатан каттароқ бўлади.

3-расмда структура тўғри токининг (нисбий бирликларда) $P=0 \div 5 \cdot 10^8 \text{ Па}$ интервалида ва қўйилган $U = 0.5, 1, 2$ ва 3 В кучланишларда ташқи босимга

боғлиқлиги ва босимнинг $P = 5 \cdot 10^8$ Па кийматида кучланишга $J_p/J_0 = f(U)$ боғлиқлиги келтирилган. Расмдан кўринадики, бу сирт - барьер диод структураларининг тензотоки қўйилаётган кучланишга кучли боғлиқ бўлиб, кучланиш U ортиши билан токнинг нисбий киймати J_p/J_0 ортиб боради (1 - 4 эгри чизиклар). 5-эгри чизикдан кўриндики, $J_p/J_0 = f(U)$ боғлиқлик чизиги учта характерли қисмдан иборат. Кучланишнинг 0,5 В кийматигача структуранинг ток бўйича босимга сезгирлиги доимий ва $J_p/J_0 \approx 1.34$.



3-расм. Sb - p-Si < Mn > - Au сирт-барьер диод ВАХ тўғри токи нисбий ўзгаришининг статик босим (1 - 4) ва кучланишга (5) боғлиқлиги



4-расм. Sb - p-Si < Mn > - Au сирт-барьер диод потенциал тўсик баландлигининг статик босимга боғлиқлиги

Идеал сирт - барьер диод орқали ўтаётган ток зичлигини кучланишнинг кичик кийматларида қуйидаги формула орқали аниқлаш мумкин:

$$J = J_0 [\exp(qU/kT) - 1] \quad (1)$$

бу ерда J_0 - термоэлектрон эмиссия учун тўйиниш токининг зичлиги:

$$J_0 = A^* T^2 \exp(-q\phi_{n,m}/kT) \quad (2)$$

Ток кичик бўлган соҳада, сирт-барьер диод ВАХи (1) муносабат билан ифодалаш ва потенциал барьер баландлигини қуйидаги формула орқали ҳисоблаш мумкин:

$$\phi_{n,m} = \frac{kT}{q} \ln \frac{A^* T^2}{J_0} \quad (3)$$

бу ерда $A^* = 79.2$ - коваклар учун Ричардсон доимийси, J_0 - тўйиниш токи 0,5 В дан кичик соҳада ВАХ тўғри чизигининг $U = 0$ кийматига экстраполяциялаш усули билан аниқланди. Ҳисоблашлар кўрсатдики, ҳар томонлама босимнинг $P = 5,5 \cdot 10^8$ Па кийматигача Ричардсон доимийсининг ўзгариши атиги $\sim 0,98\%$ ни ташкил этади.

4-расмда (3) ифода орқали ҳисоблаб топилган потенциал барьер баландлигининг $T=293\text{ K}$ ва $P=0.6 \cdot 10^8\text{ Па}$ интервалда ҳар томонлама босимга боғлиқлиги келтирилган.

Чизмадан кўринадики, босим ортиши билан потенциал барьернинг баландлиги камаяди, босимнинг $P=0$ қийматида потенциал барьер баландлиги $\varphi_{n0}=0.74\text{ В}$ га тенг. Бунда потенциал барьер баландлиги босим коэффициентининг қиймати $\alpha=-1.53 \cdot 10^{-11}\text{ эВ/Па}$ ни ташкил этади ва кремний тақикланган соҳаси кенглиги ўзгаришининг адабиётларда кўрсатилган босим коэффициенти қиймати $\alpha=-1.49 \cdot 10^{-11}\text{ эВ/Па}$ билан мос тушади. Шунинг учун тадқиқ қилинаётган структуралар потенциал барьери баландлигининг босим таъсирида ўзгариши асосан кремний тақикланган соҳаси кенглигининг ўзгариши билан тушунтириш мумкин.

Кичик тоқлар соҳасида $\gamma=J_0^{-1}dJ/dP$ ва $\gamma=q(kT)^{-1}d\varphi_n/dP$ ифодалар ёрдамида аниқланган тоқнинг босимга сезгирлиги $6.57 \cdot 10^{-10}\text{ Па}^{-1}$ ва $7.27 \cdot 10^{-10}\text{ Па}^{-1}$ га тенг эканлиги, кучланишнинг кичик 0.5 В дан кичик соҳасида тоқнинг ўзгариши асосан потенциал барьер баландлигининг ўзгариши билан тушунтиришга асос бўла олади.

Кучланишнинг $U=3\text{ В}$ қийматигача ортиши билан J_p/J_0 нисбат чизикли ошиб боради. Тоқ сезгирлигининг кейинги ортишига Шоттки барьерлар соҳасида мусбат ички тескари алоқа улушининг сезиларли даражада ортиши сабаб бўлиши аниқланди.

Сирт-барьер диод базаси компенсирланган бўлгани учун диод орқали ўтаётган тоқнинг ортиши диод базасига тушаётган кучланишнинг ортишига олиб келади $U_\sigma=JR_\sigma$ ва қўйилаётган кучланиш база ва Шоттки барьерлари орасида тақсимланади: $U=U_0+U_{\sigma n}$, бу ерда $U_{\sigma n}=kT \ln(J/J_0+1)/q$ натижада барьерга тушаётган кучланишнинг ошиши тоқнинг ортишига олиб келади.

Тўғри тоқнинг қиймати ҳар томонлама босим таъсирида ортиши кузатилаётган ВАХнинг ($0.5\text{ В} < U < 1\text{ В}$) соҳаси қуйидаги муносабат билан ифодаланиши мумкин:

$$J=J_0 \left[\exp \frac{U-JR_\sigma}{kT} - 1 \right] \quad (4)$$

Кейин инжекция даражаси пастдан юқорига ўтишига мос бўлган ($1 \leq U \leq 3\text{ В}$) соҳа кузатилади. Кучланишнинг кейинги ортишида $U \geq 3\text{ В}$ берилган структураларнинг тоқ бўйича сезгирлиги ўзгармас бўлиб $J_p/J_0 \approx 3$ га тенг.

Тўғри кучланишнинг катта қийматларида тоқ ўтишининг асосий механизми, тоқнинг диффузион ва термоэмиссион компоненталардан анча катта бўлган дрейф компонентаси ошишига боғлиқ бўлган тоқ ташувчиларнинг инжекциясидан иборат, деб фараз қилиш мумкин.

Ушбу бобда шунингдек структура базасидаги аралашмалар концентрациясининг бир текис тақсимланмаган ҳолати учун Шоттки барьер

вольт-фарад характеристикасига изотроп босимнинг таъсири ҳам кўриб чиқилган.


Металл-яримўтказгич контактини ясси конденсатор сифатида қараб a параметрининг берилган қийматида Шоттки барьерли диод сиғимини

$$C = \frac{\epsilon \epsilon_0 S}{L} \quad (5)$$

қўйиладиган кучланишга боғлиқлигини топиш мумкин. Ярмўтказгичдаги электр майдоннинг кириб бориш масофаси L ни қуйидаги ифода билан аниқлаш мумкин:

$$L = \left[a \left[\exp \left(\frac{2\epsilon \epsilon_0 (\phi_k + U)}{en_0} \right) - 1 \right] \right]^{\frac{1}{2}} \quad (6)$$

Бу ерда n_0 — металл-яримўтказгич чегарасидаги аралашма концентрацияси, $a = \text{const}$, ϕ_k — контакт потенциаллар фарқи.



- 1 - синов диодлари
2 - босимнинг 6 кБар қиймати

5-расм. Шоттки диодлари учун тажриба C-U боғлиқлиги

5-расмда, n -турдаги яримўтказгич асосида олинган Au-n-Si диоднинг экспериментал вольт-фарад (5 та намуна бўйича ўртачаси) характеристикаси келтирилган. Туташ чизик $a = 8 \cdot 10^{-6}$ параметр учун назарий ҳисобланган вольт-фарад характеристикасига мос келади.

Расмдан кўринадик, экспериментал боғланиш, назарий ҳисоб натижасида олинган боғланиш билан мос тушади, бу эса ҳисоблашда фойдаланилган киришма таксимот қонунининг тўғри эканлигини тасдиқлайди.

Шоттки диодлари учун экспериментал C-U боғланишдан кўринадик, босим таъсирида вольт-фарад характеристика

(қўйилган кучланишнинг 0,5-1,5 В соҳасида) чап томонга силжийди. Характеристиканинг бундай силжиши бу соҳада dC/dU қийматининг ортишига ва

$$S = \frac{dC}{C} \frac{U}{dU} \frac{1}{n+2} \quad (7)$$

ифода билан (бу ерда n — аралашманинг яримўтказгич ҳажмий заряд соҳаси қалинлиги бўйича таксимланишини кўрсатувчи $N(x) = N_0 x^n$ ифодадаги даража кўрсаткичи) аниқланадиган варактор сезгирлигининг ошишига олиб келади. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, варакторларни тайёрлашда

уларнинг C-U характеристикасини яхшилаш учун гидростатик босимни қўллаш мақсадга мувофиқ бўлар экан.

Диссертациянинг «Компенсирланган кремний ва улар асосидаги структураларда тензорелаксация ходисаларини тадқиқ қилиш» деб номлаган учинчи бобида компенсирланган $Si < Mn >$, $Si < Zn >$ намуналар ва улар асосида олинган $Sb - p - Si < B, Mn > - Au$ Шоттки барьерли структураларда босимнинг $P = (0 \div 6) \cdot 10^8 \text{ Па}$ ва температуранинг $T = 330 \div 273 \text{ К}$ оралиқларида импульсли гидростатик босим таъсири натижасида вужудга келадиган динамик тензоўтказувчанлик ва унинг содир бўлиши физик механизмларининг компенсация даражаси ва ўтказувчанлик турига боғлиқ ҳолда тадқиқ қилиш натижалари келтирилган.


Олиб борилган тадқиқотлар компенсирланган намуналарда импульсли гидростатик босим таъсирида термик ионлашув, чуқур энергетик сатҳларнинг босим остида силжиши ва номувозанатли ток ташувчиларнинг рекомбинацияси билан боғлиқ бўлган токнинг релаксацион ўзгариш жараёни юз беришини кўрсатди. Бунда компенсирланган намуналарда динамик тензосезгирлик унинг статик қийматидан анча катта бўлиши аниқланди.

Намуналар температурасини бевосита ўлчаш ва импульсли гидростатик босимнинг таъсирида олинган тажриба маълумотлари таҳлили намуналардаги токнинг динамик ўзгариши улар температурасининг синхрон ўзгариши билан юз беришини кўрсатди. Температуранинг (термозффе́кт) ва импульсли босимнинг (тензорелаксацион эффект) тензоўтказувчанликдаги улушини аниқлаш учун импульсли босим таъсирида ва статик босим шароитида бевосита температурани ўзгартириш натижасида намуналардаги токнинг ўзгариши тадқиқ қилинди. 6-расмда тезлиги $\frac{\partial P}{\partial t} = 2 \cdot 10^8 \frac{\text{Па}}{\text{сек}}$ бўлган импульсли гидростатик босим таъсирида ва киздиргич ёрдамида температурани ўзгартирганда солиштирма қаршилиги $\rho = 10^5 \text{ Ом} \cdot \text{см}$ бўлган $n - Si < Mn >$ намуналар орқали ўтаётган токнинг $I = f(t)$ кинетик ўзгариши келтирилган. Босимни $P = 2,5 \cdot 10^8 \text{ Па}$ ва $P = 5 \cdot 10^8 \text{ Па}$ қийматларигача ўзгартирилганда намуна температуранинг ўзгариши мос равишда $(4 \div 5)^\circ \text{C}$ ва $(8 \div 9)^\circ \text{C}$ ни ташкил қилади. Олинган натижалар таҳлили шуни кўрсатадики, босимнинг $P = 2,5 \cdot 10^8 \text{ Па}$ қийматида токнинг умумий ўзгаришида тензостимуллашган ўзгариш улуши сезиларли даражада кичик, яъни босимнинг кичик қийматларида токнинг ўзгариши асосан температуранинг ўзгариши билан белгиланади.


Аммо босим амплитуда қийматининг ортиши билан ток ўзгаришида тензостимуллашган эффект улуши $k = \frac{I_{\text{max}} - I_T}{I_{\text{max}} - I_{\text{CT}}}$ ортиб боради (7-расм).

Яримўтказгич материалларида кузатиладиган динамик тензорезистив эффект тақиқланган соҳасида чуқур энергетик сатҳлар ҳосил қиладиган аралашмали марказларга эга бўлган яримўтказгичлар учун характерлидир. Шунинг учун чуқур энергетик сатҳлар ҳосил қиладиган аралашмали

марказларга эга кремний кристалларида тензозффеќтнинг намоён бўлиш механизмларини ўрганиш мућим аћамиятга эга.



1, 1' - $P = 2,5 \cdot 10^8$ Па, 2, 2' - $5 \cdot 10^8$ Па)
6-расм. Импульсли гидростатик босим таъсирида ва қиздиргич ёрдамида ҳароратни ўзгартирганда $n - Si < Mn >$ 10^5 Ом·см намуналар орқали ўтаётган токнинг $I = f(t)$ кинетик ўзгариши



7-расм. $n - Si < Mn >$; 10^5 Ом·см намуналарда тензорелаксацион эффект улушининг босим амплитуда қийматига боғлиқлиги

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ўзгарувчан босим таъсирида намуналарнинг температураси маълум бир ΔT қийматга ортади. У ҳолда ўзгарувчан босим таъсирини ҳисобга олиб, заряд ташувчилар концентрациясини қуйидаги ифода билан аниқлаш мумкин:

$$n = n_0 \exp \left(- \frac{E_i - \alpha P}{k(T + \Delta T)} \right) \quad (8)$$

Бу ерда n_0 - дастлабки концентрация, E_i - аралашма атомининг ионлашиш энергияси, T - намуна температураси, k - Больцман доимийси, α - энергетик сатҳлар силжишининг босим коэффициенти, P - қўйилган босим катталиги.

Ўзгарувчан босим таъсирида заряд ташувчиларнинг умумий концентрациясини қуйидаги кўринишда ифодалаш мумкин:

$$n = n_d + n_{ст} \quad (9)$$

бу ерда n_d - концентрация ўзгаришининг динамик улуши, $n_{ст}$ - статик босимдаги заряд ташувчиларнинг умумий концентрацияси.

Динамик гидростатик босим таъсирида заряд ташувчиларнинг умумий концентрациясини қуйидагича аниқлаш мумкин:

$$n = n_d + n_0 \exp \left(- \frac{E_i - \alpha P}{kT} \right) \quad (10)$$

(8) ва (9) ифодаларни ўзаро таққослаб, ўзгарувчан босим таъсирида заряд ташувчилар концентрацияси ўзгаришининг динамик улушини аниқловчи ифодага эга бўламиз:

$$n_d = n_0 \exp\left(-\frac{E_i - \alpha_i P}{k(T + \Delta T)}\right) - n_0 \exp\left(-\frac{E_i - \alpha P}{kT}\right) \quad (11)$$

ёки:

$$n_d = n_{cm} \left(\exp\left(\frac{\Delta E}{kT} \frac{\Delta T}{T + \Delta T}\right) - 1 \right) \quad (12)$$

Ўзгарувчан босим таъсирида температуранинг нисбий ўзгаришини

$$\varepsilon_T = \frac{\Delta T}{T + \Delta T} \quad (13)$$

кўринишида белгилаймиз.

ΔT импульсли босимнинг амплитуда қийматидан ва яримўтказгич хоссаларидан боғлиқ бўлганлиги учун босим ўзгаришининг бир хил қийматлари ва тезликларида ε_T дастлабки температура T га боғлиқ деб қараш мумкин. Яъни, T қанча кичик бўлса, ε_T шунча катта бўлади.

(13) ни ҳисобга олган ҳолда (12) ни қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$n_d = n_{cm} \left(\exp\left(\varepsilon_T \frac{\Delta E_i}{kT} - 1\right) \right) \quad (14)$$

Паст температураларда $\exp\left(\varepsilon_T \frac{\Delta E_i}{kT}\right) \gg 1$, деб ҳисобласак, охириги (14)

ифода қуйидаги кўринишга келади:

$$n_d = n_{cm} \exp\left(\varepsilon_T \frac{\Delta E_i}{kT}\right) \quad (15)$$

(15) ни ҳисобга олиб, ўзгарувчан босим таъсирида яримўтказгич орқали ўтаётган ток зичлигини аниқловчи қуйидаги ифодани олиш мумкин:

$$J = e \mu \vartheta n_{cm} \left(\exp\left(\varepsilon_T \frac{\Delta E_i}{kT}\right) - 1 \right)$$

Олинган ифодадан кўринадики, ўзгарувчан босим таъсирида яримўтказгич орқали ўтаётган ток босим таъсирида ҳосил бўлаётган заряд ташувчилар концентрациясига боғлиқ бўлар экан. Бунда дастлабки температура қанча кичик бўлса, заряд ташувчилар концентрациясининг динамик улуши ҳам шунча катта бўлади.

Бу бобда сирт-барьер диод $Sb-p-Si < Mn > -Au$ структуралари характеристикаларига импульсли босим таъсири ҳам ўрганилди. Экспериментал тадқиқотлардан шу нарса аниқландики, бу структураларда токнинг тензорелаксацион ўзгариш манзараси кўриниш жиҳатдан компенсирланган $Si < Mn >$ ва $Si < Zn >$ кристаллардаги ўтказувчанликнинг релаксацион ўзгариш жараёнлари билан ўхшаш бўлса-да, сирт-барьер структураларда токнинг максимал ва статик қийматлари фарқи диодга қўйиладиган кучланишга боғлиқ бўлади. Структура температурасининг

амплитуда қиймати $P = 5 \cdot 10^8$ Па ва ўзгариш тезлиги $\partial P / \partial t \approx 10^8$ Па/с бўлган импульсли босим ёрдамида ўзгартирилди.

Кичик кучланишларда тўғри токнинг температуранинг амплитуда қийматига мос келадиган максимал қиймати ўзгармас босим шароитидаги статик қийматларидан сезиларли даражада катта бўлиши ўлчаш жараёнларида аниқланди. Бу ҳолатда (кичик тоқларда) импульсли ҳар томонлама босим таъсирида сирт-барьерли диод тоқининг кинетик ўзгариши $J(t)$ структура тоқининг температурага боғлиқлиги билан аниқланади. Импульсли гидростатик босим таъсирида токнинг ўзгаришидаги температуранинг улуши диодга бериладиган кучланишнинг ортиши билан компенсацияланиб, яъни камайиб боради.

Кучланишнинг $U_m \sim 5$ В қийматида диоднинг тўғри динамик тоқи статик ток билан мос тушади, яъни $J(t)$ боғланишда температура улушини тўла “компенсацияланади”. Кучланишнинг $U_m \geq 3$ В (базада ток ташувчиларнинг инжекцияси сезиларли роль ўйнайдиган) соҳаларида босим таъсирида пасайган потенциал барьер орқали инжекцияланиб ўтаётган ток ташувчилар сонининг ортиши, ток ўзгаришидаги температуранинг улушини компенсация қилиши мумкин.

Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, импульсли гидростатик босим таъсирида диод тескари тоқининг температурага боғлиқлиги кучланишнинг кенг оралиғида (20 В гача) тескари кучланишга сезиларли даражада боғлиқ эмас ва $J_{\max} / J_{\text{см}} \approx 1.35$ га тенг.

$Si < Mn >$ и $Si < Zn >$ намуналарда тензоўтказувчанлик бўйича ўтказилган тажрибалар натижалари асосида динамик ва статик тензосезгирлик коэффициентлари мос равишда қуйидаги формулалар бўйича ҳисобланди ва солиштирилди:

$$S_{\text{см}} = \frac{E^{\circ}}{P} \frac{\Delta \rho}{\rho_0}; \quad S_D = \frac{E^{\circ}}{P} \frac{\Delta I}{I_0}$$

Динамик тензосезгирлик коэффициенти S_D ток ўзгариши $J(t)$ нинг максимал қиймати $J_{\max}$ орқали ҳисобланди

Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, дастлабки намуналардан фарқли ўлароқ компенсирланган $Si < Mn >$ ва $Si < Zn >$ намуналарда ташқи босимга нисбатан статик ва динамик тензосезгирлик компенсация даражасига боғлиқ равишда ошиб боради.

$Si < Mn >$ ва $Si < Zn >$ намуналар статик тензосезгирлигининг улар компенсация даражаси ошиши ва температуранинг камайиш туфайли ортиши босим таъсирида генерацияланган ортиқча ток ташувчиларнинг ўтказувчанлик ўзгаришидаги улуши эффективлигининг ортиши билан боғлаш мумкин. Импульсли босим ўзгариш тезлигининг (10^7 Па/с) кичик қийматларида $Si < Mn >$ намуналарда динамик тензосезгирлик коэффициенти S_D шу намуналардаги статик тензосезгирлик коэффициенти $S_{\text{см}}$ билан

мос тушади. Импульсли босим ўзгариш тезлигининг ортиши билан S_D коэффициентнинг қиймати тез ошади ва $\partial P/\partial t \approx 10^8$ Па/с қийматида $Si < Mn >$ намуналарда чуқур Mn сатҳларнинг қўшимча тензо-термо ионлашуви ҳиссбига S_D/S_{cm} нисбат 7 ÷ 8 марта катта бўлади.

Худди шунга ўхшаш натижалар компенсирланган $Si < Zn >$ намуналар учун ҳам олинди.

Бу тадқиқот натижалар ва усуллари тузилиши жиҳатдан содда бўлган изотроп босим тензоўзгартиргичларни яратиш ҳамда ионлашиш энергияси қийматини, яримўтказгичларда чуқур сатҳлар ўзгаришининг босим коэффициентни ва бошқа параметрларини аниқлаш имконини беради.

Диссертациянинг «Бир ўқли эластик деформация таъсирида компенсирланган кремний электрофизик хоссаларини тадқиқ қилиш» деб номланган тўртинчи бобида бир ўқли босим таъсирида компенсирланган ва иссиқлик ишлови берилган $Si < Mn >$, $Si < Zn >$ ва $Si < Ti >$ намуналарида тензоэффект ҳодисасини ва уларнинг намоён бўлиш механизмларининг тадқиқ этиш натижалари келтирилган.


Бу намуналарда тензоўтказувчанликни тадқиқ қилиш деформациянинг $I \parallel X \parallel [111]$ ва $I \parallel X \parallel [100]$ шароитларида, босимнинг $X = (0 \div 6) \cdot 10^8$ Па қийматлари оралиғида хона температурасида олиб борилди.

Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, дастлабки, компенсирланган, кучли компенсирланган ва ўта кучли компенсирланган намуналарда кристаллографик ўқнинг $[111]$ йўналишида берилган босим ортиши билан солиштирма қаршилик камаяди.

Нисбатан кучли тензоэффект дастлабки $p-Si < B >$ намуналарида кузатилди. Тадқиқ қилинаётган намуналарда компенсация даражасининг ортиши тензоқаршилик эффектини сусайтиради, яъни компенсация даражаси ортиши билан солиштирма қаршиликнинг ўзгариш тезлиги камаяди.

8-расмдан кўринадики, цинк ва марганец билан кетма-кет легирланган $p-Si < B, Mn, Zn >$ (6-эгри чизик) намуналарда солиштирма қаршилик бир ўқли босим ортиши билан деярли ўзгармай қолади. Иссиқлик ишлови берилган $p-Si < B >$ ($\rho = 40$ Ом·см) намуналарда босим ортиши билан солиштирма қаршилик камаяди, босим олинганда эса $\rho(X)$ боғлиқликда гистерезис кузатилади, яъни босим олинганда намуналарда ρ нинг охириги қиймати бошланғич қийматига нисбатан камайиб қолади (9 - расм, 1, 1' - эгри чизиклар).

